

Сиддиқжон МЎМИНОВ, Дилшода ХОЛМАТОВА

ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ



УЎК:504.03

КБК:60.56

М99

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази тамонидан молиялаштирилди.

Масъул муҳаррир:

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,

филология фанлари доктори,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Такризчилар:

Юсуфжон АҲМАДАЛИЕВ,

география фанлари доктори

Фарҳоджон ТУРҒУНБОЕВ,

фалсафа фанлари доктори.

Мўминов, Сиддикжон

Ижтимоий экология муаммолари: монография/С.Мўминов, Д.Холматова.
– Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2014. – 184 б.

Ушбу монография табиат, жамият ва инсон, инсоннинг чексиз олам ҳамда жамиятдаги ўрни, одамнинг яшайдан мақсад-муроди, инсоний одоб-ахлоқ масалаларига, бир сўз билан айтганда, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш, асраб-авайлаш масаласига қаратилган. Монография олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежалари ўқитувчи ва ўқувчилари, қолаверса, кенг китобхонлар аммасига мўлжаллаб ёзилган. Ушбу китоб ўта глобал ва ўта долзарб мавзуга бағишланган бўлишига қарамай, содда, равои, илмий-оммабоп тилда баён этилган.

1.Холматова Д.

УЎК:504.03

КБК:60.56

20.1



«Фарғона» нашриёти, 2014 йил.

КИРИШ

«Ишончим комилки, бизни — ҳозир Ўзбекистонда истикомат килувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари — чин воқелик муаммолари билан бирга: «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синаотмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги аср — ХХІ асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?» — деган саволлар ўйлантириши табиий...»¹

Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли асари муқаддимаси мана шундай жумлалар билан бошланади ва «Юксак маънавит — енгилмас куч» номли асарида бу саволларга мантикий боғлиқ бўлган қуйидаги жавоб айтилади: «Агарки мenden, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўралса, мен авваламбор шу юртда яшайтган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва боғ маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустикал фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим...»²

Маълум бўлмоқдаки, инсоният бу ёруғ оламда қимлигини, қаёққа қараб кетаётганлигини ва унинг ўрни қаерда, қандай бўлишини билиши учун, энг аввало, ўзлигини англаши, тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли муносабатда бўлиши лозим экан. Хўш, ўзликни англаш деганда нимани тушунамиз? Воқеликка, умуман ҳаётга

1 Ислам Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. — Б.3.

2 Ислам Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — Б.17.